



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Зомин тумани

2022 йил 14 декабрь

4-1303-2201/2278-сонли иш

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдуазов котиблигида, аризачи Зомин тумани Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар "ALMOND-LOCK GARDEN" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини тарафлардан аризачи вакили Ш.Назаров (2022 йил 13 майдаги 23-01080-сонли ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Зомин туманлараро иқтисодий суди маъмурий биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Зомин тумани Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда “Аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, "ALMOND-LOCK GARDEN" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади) 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаганлиги боис жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари 2022 йил 14 декабрь ҳолатига тақдим этилганлигини маълум қилиб, буни тасдиқловчи маълумотномани судга тақдим этиб, аризани қонуний кўриб чиқишни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакили иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз, тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Мазкур ҳолатда суд ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим деб топади.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлар ва суд муҳокамасида аниқланишича, жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги аниқланган. Шу сабабли, солиқ органининг қарори билан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига хабарнома, қарор эса ижро этишлик учун хизмат кўрсатувчи банкка юборилган. Шунга қарамай жавобгар томонидан ҳисобот топширилмагач, аризачи судга солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади, 273-моддасига кўра эса, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 111-моддасида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкинлиги, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги, бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши белгиланган.

Бирок, суд мажлиси кунига қадар жавобгар барча солиқ ҳисоботларини тақдим қилган, ушбу ҳолат аризачи томонидан тақдим этилган бугунги кун ҳолатига берилган маълумотнома ва унинг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди.

Жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилганлиги ҳолати ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва аризачи томонидан ушбу кун ҳолатига тақдим этилган маълумотнома билан ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни рад этишни, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачининг аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиши (тарафлар мурожаати мавжуд бўлганида прокурор протест келтириши) мумкин.

Раислик этувчи, судья

Ш.Х.Бегматов

